

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сўсийтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиғи, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қонунчилик даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўпалаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидаларга эътибор қилиш зарарли оқимлар, гуруҳлар тасъирга тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низоом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқлансин.
2. Белгилаб қўйилсинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилишини ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолатларининг олдини оловчи орган ҳисобланади.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфидоги мавжуд вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини кўриб чиқиш, уларнинг янги таркибларини тўзишлар. Комиссиялар фаолиятини изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибидан маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул

қотиб лавозими жорий этилсин.

4. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш; давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида вояга етмаганларнинг сақланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни ташкил этиш;

вояга етмаган ёшларнинг оғини, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарабини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий савод-

хонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш;

жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтирсин, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитлари синчиклаб ўрганилиши ва бартараф этилиши юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи инспекциялар фаолиятининг самарадорлигини оширсин, ҳар бир участка инспекторидан ўз ҳудудида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун масъул эканлигини қатъий талаб қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Рес-

публика "Маънавият ва маърифат" Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Камолот" жамғармалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтирсинлар, яшаш жойларида нотинч оилаларни, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, вояга етмаганларни ўқитишда ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги идоралари руҳий касалга чалинган, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган вояга етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда уларни даволаш ишларини қатъий йўлга қўйсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, ҳокимликлар, ички ишлар органлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъмин-

лашда амалий ёрдам кўрсатсинлар ва уларнинг бу масалада бевоқифа масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳар ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг аҳолини муҳокама этиб, бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ва қўйи комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатлари мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Комилсов ва Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2000 йил 21 сентябрь

МЕН КУЙИБ ҚОЛДИМ

Мен 1999 йилнинг май ойида Қарши машина бозорига Отабек Бадалов деган шахсдан 400 минг сўмга ВАЗ 21 03 энгил автомобил машинасини сотиб олиб, номимга ҳужжатлаштиригандим. Отабек Бадалов ҳам, унинг қариндоши — Қарши шаҳар ДАН бўлими старшинаси Дамин Улашов ҳам ушбу машина билан жиноят содир этилганини сир тутиб, уни менга сотган экан. 2000 йил 8 июнда "Сизнинг машинангиз билан жиноят содир этилган, уни суратга туширамыз, кейин қайтариб олиб келасиз" -деб Қаршига олиб боришиб, машинамни қамаб қўйишди. Кейин билсам, ноинсоф Отабек Бадалов ва унинг қариндоши Дамин Улашов жиноят содир этилган, жиноят қуроли ҳисобланган автомобилнинг яширин йўл билан менга сотган экан.

Бўлган иш бўлиб ўтди, орада мен ҳалол пулимга куйиб қолдим.

Абдурахим КОМИЛОВ, Бойсун тумани

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси Убайдулла МИНГБОЕВ:

Республика бўйича вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 12,15 фоизга камайган.

1998 йилда умумий судланганларнинг 3,8 фоизини, 1999 йилда эса 3,4 фоизини вояга етмаганлар ташкил этган.

(2-бетга қаранг)

"Камолот" ҳудуди

Республика "Камолот" жамғармасида БМТнинг бошқариш ва "Камолот-қонун" ҳуқуқий маркази ҳамкорлигида "Ёшлар XXI асрга гиёҳванд моддаларсиз" мавзусида семинар тренинг ўтказилди.

— Йиғинда ички ишлар ходимларига, ёшларга вояга етмаганлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ҳамда халқроқ болалар ҳуқуқи Конвенцияси тўғрисида тушунча берилди, - деди "Камолот-қонун" ҳуқуқий марказининг бошлиғи Юлдуз Қурбонова "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда.

Конвенция кенг қамровли бўлиб, болаларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлайди. Мазкур тренингда Собир Раҳимов туман ички ишлар ходимлари қатнашди. Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандликни олдини олиш, болалар ҳуқуқлари устида иш олиб бораётган мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Семинарда ЮНИСЕФнинг Марказий Осиёдаги ваколатхона раҳбари Руди Родригес қатнашди.

"Туркистон-пресс"

ФИНАЛГА ЙЎЛ...

Куни кеча "Тарихинг-дир минг асрлар" ёш раҳбарлар кўрик-танловининг Наманганда бўлиб ўтган вилоят босқичида вилоятда ижод қилаётган ёш мўйқалам соҳиблари ўзлари яратган тасвирий санъат асарлари билан иштирок этдилар.

Икки ҳафта давом этган ушбу кўрик-танловда ғолибликни Наманган шаҳар санъат коллежи 4-босқич талабаси Абдурашул Ибрагимов ва Тўрақўрғон туманидаги 11-клас-хунара мактаби ўқувчиси Содиқжон Сувоновлар қўлга киритди. Улар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган республика финал босқичида иштирок этадилар.

Ғолиблар ва кўрик-танлов иштирокчилари "Камолот" жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбахона эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Икром КАРИМОВ

ЁН ҚЎШНИ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21-22 сентябр кунлари расмий ташриф билан Туркменистонда бўлди.

Ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи асрлар билан ўлчанади. Ушбу давр мобайнида халқларимиз, бирор муддат бўлсин, ўз тараққийини бир-бирисиз тасаввур қилган эмас. Кўп асрлик дўстлик ва қўни-қўшничилик муносабатлари, айниқса мустақиллик йилларида таоминла янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалари кўлами тобора кенгайиб бораётган. Аввало, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги маданий соҳага тўхталас. Ўзбек ва туркман халқларининг урф-одатлари, санъати бир-бирига жуда яқин. Бу келиб чиқиши, индизлари бир бўлган икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар доимо юксак даражада бўлганидан далolat беради. Хозир бу борада ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш жараёни кечмоқда. Жумладан, куни кеча Тошкентда Туркман миллий маданияти маркази очилгани, Президент Ислам Каримовнинг Ашхободга расмий ташрифи чоғида эса Туркменистонда Ўзбек миллий маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида протокол имзолангани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон, билан Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳусусида шунга айтиш мумкинки, икки мамлакат ўртасидаги экспорт-импорт операцияларида, асосан, қишлоқ ҳўжалик машиналари ва кимё саноати маҳсулотлари салмоқли ўрин тутди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойи давомида ўзаро савдо ҳажми 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўпайиб, 180 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир қарашда, бу рақамлар жуда катта қўрсинда, савдо-иқтисодий алоқалардаги сўрғанди мавжуд имкониятлар даражасида, деб бўлмайди. Президент Ислам Каримов Туркменистон раҳбари Сапармурод Ниязов билан бўлган музокаралар чоғида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмининг ошириш чора-тадбирларини кўриш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати тобора ортиб бораётган. Жумладан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда. Бу эса Ўзбекистондан муқобил транспорт йўллари - Туркменистон ҳудуди орқали юк ташишга жиддий эътибор қаратишни талаб қилаётган. Зеро, Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Жанубий Осиёга, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазига, Каспий денгизи ўрқали Европага чиқадиган транспорт йўллари айнан шу ҳудуддан ўтади. Шу сабабли, Туркменистон орқали транспорт юк ташувининг мустақам ҳуқуқий асосини қуриш жуда муҳим. Шу маънода, Президентимизнинг Ашхободга сафари чоғида икки давлат ўртасида темирйўл транспортда транзит юк ташувини тартибга солиш соҳасида ҳамда солиқ қонунчилигиغا риоя қилиш масалаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида имзоланган битимлар-

нинг аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу ташриф чоғида Ислам Каримов Туркменистоннинг транзит салоҳияти Ўзбекистон учун йилдан йилга тобора катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Айниқса, яқинда Ўзбекистонда Қамчиқ довоидан ўтган йўлнинг фойдаланишига топширилиши билан Шарку Фарби боғлайдиган улкан халқроқ магистрал фаолиятини учун яна бир залворли қадам ташлангани Туркменистон орқали транзит юк ташувини кенгайтириш заруратини янада яққолроқ намоён эта бошлади. Бу йўлнинг Сарахс-Тежан-Машхад йўналиши билан боғлиқлиги Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини оширишга катта туртки бўлиши, шубҳасиз.

Ташриф давомида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Маълумки, сўнгги вақтларда Марказий Осиё мамлакатлари давлат чегараларини белгилаш бўйича жиддий қадамлар ташламоқда. Бу тadbир минтақа давлатларининг ўзаро муносабатлари халқроқ андозалар асосида ривожланиши учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Туркменистон билан қарийб 2000 километрлик давлат чегараларига эга. Шу боис давлат чегараларини белгилашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, бу борада келишувга эришди ва тегишли ҳужжатни имзолади. Ислам Каримов мазкур шартноманинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида гапирар экан, у баъзи ёвуз қулларнинг чегара масаласида мамлакатларимиз ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаришга уриниши эҳтимолини йўққа чиқаришини таъкидлади.

Ислам Каримов билан Сапармурод Ниязов ўртасида бўлиб ўтган музокарада кўпгина масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик, қатор минтақавий ташкилотлар ва МДҲ доирасидаги муносабатлар масалаларидан ташқари, Орол муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу беҳиз эмас, албатта. Мазкур офатнинг жабрини айнан мана шу икки давлат кўпроқ тортаётган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳамда Туркменистоннинг шимолий ҳудуди аҳолисининг Орол денгизи қуришидан чекаётган азиятини, Президентимиз таъбири билан айтганда, фақат шу ерда яшабгина билиш мумкин. Бу офат фақат табиатнинг бўлишига олиб келмай, миллатнинг генотипига ҳам жиддий зарар етказётгани янада ташвишланарлидир.

Ислам Каримов БМТ минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор Орол муаммосига жиддий эътибор қаратишга чакирганди. Жумладан, давлатимиз раҳбари бу офатни бартараф қилиш учун БМТнинг махсус комиссиясини тузиш тўғрисида ҳам тақлиф киритганди. Бироқ айни пайтда халқроқ ҳамжамият ва муаммонинг қўламини тўла англаб етмаётган. Давлатимиз раҳбари Ашхободга ташрифи чоғида бу муаммонини ҳал этишга иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлар ва йирик молиявий ташкилотларни жалб қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Орол қуриб бита, унинг таъсири Европа ва Америкага ҳам етиб боришини бар-

ча тушуниб етиши зарур, деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнгги вақтларда Туркменистон Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги дипломатик фаоллигини анча оширди. Қўшимчиси бундай хатти-ҳаракатга ундаётган омилларни идрок этиш қийин эмас. Бугунги кунда Афғонистонда 20 йилдан ортиқроқ вақтдан буён давом этаётган хунрезликдан келиб чиқётган ҳавф-хатар, қолаверса, Туркменистоннинг иқтисодий манфаатлари шунга талаб қилаётган.

Баъзи доираларда Туркменистоннинг афғон муаммосини ҳал қилишдаги айрим қадамлари Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатига унчалик мос келмаётгани бот-бот такрорланапти. Бу ерда гап Афғонистондаги урушнинг бартараф қилиш масаласига турлича ёндашув ҳақида бормоқда. Улар бу масалага Ўзбекистон ва Туркменистон, беозор қилиб айтганда, икки қутдан ёндашаётганини кистириб ўтмоқда.

Туркменистон Президенти саройида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ислам Каримов бу ҳусусда ўз фикрини билдирди.

— Биз бетараф Туркменистоннинг Афғонистон муаммоси масаласида юригаётган мустақил сиёсатига чукур ҳурмат билан қараймиз, - деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. - Ҳа, бизнинг бу борадаги қарашларимиз турлича. Бироқ бу Ўзбекистон ва Туркменистоннинг мазкур масалаларда бир-бирига қарама-қарши қўйишга уриниш учун ваҳ бўлмастлиги керак. Чунки, таъкидлаб айтмоқчиман, Туркменистоннинг бу борадаги қарашлари ва механизми Ўзбекистон нуктаи-назарига унчалик ҳам мос келмасда, бизнинг масалага ёндашувиимиз бир хил. Икки томон ҳам бу юртда тинчлик ҳукм суриши учун ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, ҳар бир мустақил давлат бу борада ўз ташаббусини илгари суришга ҳақли. Шу сабабли, Ўзбекистон Афғонистондаги урушнинг тўхтатишга, бу мамлакатда осойишталик ўрнатилишига олиб келиши мумкин бўлган барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.


Ислам Каримов Афғонистон ҳудуди орқали газ ва нефт қувури ўтказилиши масаласида ҳам ўз фикрини баён қилди. Президентимиз агар бу борада халқроқ лойиҳа амалга ошириладиган бўлса, Ўзбекистон томони уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Бу қувурларнинг қурилиши уруш тинкисини қуритган афғон халқини тинч яратувчилик ишларига йўналтиришига умид билдирди. Мустақил тараққийёт йўлига ўтгандан буён Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида олтийдан ортиқ турли ҳужжатлар имзоланган. Бу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган бўлиб, бугунги кунда ўзаро муносабатларимизнинг барқорор ривожига хизмат қилмоқда. Ислам Каримовнинг Туркменистонга сафари эса мазкур алоқаларимиз, айниқса, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлигимиз раванқига катта туртки бўлади.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА махсус мухбири Тошкент-Ашхобод-Тошкент

НАТО ЛИДЕРЛАРИ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАР

Белград суди НАТОга кирган 14 мамлакат раҳбарларига нисбатан 20 йилдан қамоқ жазосини белгилади. Судланувчилар ўтган йили Югославияда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар пайтида содир қилинган жиноятлари учун шу жазага лойиқ топилди, дейди суд маҳкамаси.

Маҳкумлар ичида АҚШ Президенти Билл Клинтон, Англия бош вазир Тони Блэр, Франция Президенти Жак Ширак ҳам бор. Ушбу ҳукмга эса НАТОнинг ҳаракатлар давомида захарли бомбалардан фойдалангани, шунингдек, Косово устига самолётдан 10 тонна уран захри ташлангани ҳақидаги маълумотлар асос сифатида хизмат қилган эмиш.



Судда 183 варақлик айбномани ўқиш учун Белград прокурори уч соат вақт сарфлади. Унда белгуноҳ ҳалок бўлган 890 нафар

махсус гуруҳи Федерал хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ҳамда Мудофаа вазирликлари махсус бўлинмалари билан ҳамкорликда Дарго аҳоли пунктида Хаттобга тегишли учта қурол-аслаҳа омборини қўлга олди. Ушбу операция давомида жангарилар ҳужумига ҳам дура келинган. Оқибатда улардан олти нафари ўлдирилган. Маълумотларга қараганда, йўқ

қилинганлардан икки нафари портловчи қурилмалар ясаш бўйича малакали мутахассислар бўлган. Шунингдек, отишмалар пайтида бошқа бир нечта омборларда ҳам портлашлар содир бўлган, бу уларда ҳам катта миқдорда қурол-аслаҳа ва портловчи моддалар борлигидан дарак беради.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги бугунги ёш авлод - азиз фарзандларимизнинг маънавий қиёфасига, уларнинг жисмоний камолоти ва ахлоқий поклигининг даражасига ҳам боғлиқ. Зеро, тарбия - буюк иш. Тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади. Шу боис ёшлар тарбияси республикамиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида белгиланди. "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, ёш кадрларни тарбиялаш юзасидан миллий дастурнинг ишлаб чиқиши, мустақил давлатимизнинг энг биринчи муқофоларидан бири сифатида "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Жорий йилнинг "Соғлом авлод" йили деб эълон қилинганлиги ва белгиланган Дастур асосида кенг қўлмали тадбирларнинг амалга оширилатганлиги ҳам давлатимизнинг ёшларга бўлган умидли муносабати нечоғлик жиддийлигидан далолат беради.

Ўз навбатида Республика Олий суди, давлат сиёсатига муштарак ҳолда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиб чиқиш, бу борада йўл кўйилган ҳатотликларни бартараф этиш ва одил судлов самардорлигини оширишга кўмак берувчи ишларни амалга ошириб келаяпти.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича суд амалиёти асосан тўри йўлга қўйилган. Судлар томонидан мазкур тоифадаги жиноят ишлари бўйича асосли ва адолатли суд қарорлари чиқарилмоқда. Шунинг билан биргаликда, суд ишларида баъзи бир хато ва камчиликлар ҳам учрайдики, уларга бефарқ қараб бўлмайди.

Тиббиётнинг асосий тамойилларидан бири бу касални даволаш эмас, балки унинг олдини олиш бўлгани каби жамият учун жирканч иллат-жузъий маънода маънавий касаллик саналмиш жиноятчиликнинг олдини олиш ҳуқуқий демократик давлатнинг биринчи галдаги вази-

фасидир. Шу сабабли давлатимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарувчи идоралар бу борада талайгина ишларни амалга ошириб келмоқдаки, улар ўз самарасини бермоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, республика бўйича умумий содир этилган жиноятлар сони 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 0,49 фоизга, шундан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 12,15 фоизга камайган.

Республика бўйича 1998 йилда умумий судланганларнинг 3,8 фоизини, 1999 йилда эса 3,4 фоизини вояга етмаганлар ташкил этган. Таққослаганда ҳам, ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан жами судланганлар миқдори бошқа чет эл, шу жумладан Хамдўстлик давлатлари орасида энг кам ҳисобланади. Лекин биз хотиржам бўлмасдан жиноятчиликнинг ёшаришига йўл қўймаслигимиз керак. Умуман жиноятчиликнинг олдини олишга бор кучимизни сафарбар қилишимиз лозим.

Бу борада судлар томонидан вояга етмаганларга доир жиноят ишлари юзасидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги хусусий ажримлар нисбатан кам чиқарилаётганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича хусусий ажримлар чиқариш учун асослар мавжуд. Бинобарин, 1999 йилда судланган жами вояга етмагандан 33,2 фоизи ҳеч қандай ўқимаган ва ишламаган шахслар, 21,6 фоизи оилада отасиз ёки онасиз тарбияланганлар, 5,7 фоизи жиноят содир этгунга қадар ички ишлар идоралари ҳисобидан турганлар бўлиб, 9,0 фоизи маст ҳолда жиноят содир этганилиги

ҳам хусусий ажримларни ҳар бир вояга етмаганнинг иши юзасидан чиқариш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Масалан, Сирдарё вилоят Янгиер шаҳрида истиқомат қилган, ҳеч қандай ишламай мунтазам равишда ичкилик билан шуғулланиб келган, қарамоғида 6 нафар вояга етмаган фарзанди бўлган С.Шомансурова фарзандларининг тарбияси ва таъминоти билан қизиқмаганлиги сабабли унинг уч нафар вояга етмаган фарзанди бирин-кетин жиноятлар содир этиб судланган.

Вояга етмаган Шомансуровлар биринчи бор судланганларида судлар уларга нисбатан шартли ҳукмлар чиқариб, синов муддатларини белгилаган ҳолда хулқларини назорат қилишни Янгиер шаҳар Ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар бўлимига инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи махсус комиссияга юклаган бўлсада, мазкур органлар томонидан суд ҳукмларининг ижросини лозим даражада бажарилмаганликлари оқибатида ака-укалар қайтадан яна бир неча қатор жиноятлар содир этганлар. Лекин ушбу органларнинг лоқайдлиги, тегишли масъул шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари судлар ҳеч қандай муносабат билдирмаган, лоқал уларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи муҳокама қилинмаган. Судлар шу каби ҳолатларга тегишли қонуний чоралар кўрмасликлари асло мумкин эмас.

Жиноят-процессуал кодексининг 551 ва 562-моддаларига мувофиқ, вояга етмаганларга доир жиноят ишларини кўришда уларнинг ота-оналари, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, васий ва ҳомийсини, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилот, вояга етмаган-

ларнинг иши билан шуғулланувчи комиссия, зарур бўлса, бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам суд мажлисида албатта қақчириб, айнан вояга етмаганларнинг хулқи учун маъсул ва жавобгар эканликларини ўқирсалар ҳамда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб уларга нисбатан суд таъсир чораларини кенгроқ қўлласалар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши шубҳасиз.

Шунинг билан биргаликда, хусусий ажримлар чиқаришда ҳам нихоятда эҳтиёткорлик талаб эти-

риқасидаги жазо қўлланилган бўлса, Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги "Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида"ги қароридан кенг қўлмали раҳбарий тушунтиришлар берилганидан кейин аҳвол анча ижобийлашгани, яъни 1999 йилда жами судланган вояга етмаганларнинг 42,5 фоизига, 2000 йилнинг биринчи ярим йилида 34,9 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо тайинланган. Жиноятчиликнинг олдини олишга

декснинг 169-моддаси 3-қисми "б" банди билан 20 шиша сувни ўғирлаганликда айбдор деб топилиб, шу кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Суд Ф.Г.Асқарходжаевга унинг шахсини ва қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жумладан вояга етмаганлигини, муқаддам судланмаганлигини, талон-тарож қилинган мулк миқдорининг жуда камлигини, айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва ишнинг жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларини инобатга олмасдан адолатсиз жазо тайинланганлиги сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримни билан суд ҳукми ўзгартирилди ва унинг қамоқда ўтирган муддати инобатга олиниб, жазодан озод қилинди. Бундай, ишга бефарқ қараб, ўспиринни қамоқда сақлаган судьяга қандай баҳо бериш керак?!

Бошқа бир мисол, Мирзо Улугбек туман судининг ҳукми билан 1984 йил 8 апрелда туғилган, вояга етмаган М.Р.Назарчаев ва 1984 йил 23 октябрда туғилган Ш.А.Умурзақовлар жами 6000 сўмлик 6 та товўқни ўғирлаганликлари учун уларнинг ҳар бири 6 йилдан озодликдан маҳрум қилиб, Ш.А. Умурзақов амнистия акти асосида жазодан озод қилинган.

Шундай экан, вояга етмаганлар тақдир ҳал этилаётганда бизнинг хато қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Судьялик бурчи, қолаверса фарзандларимиз олдидаги масъулият биздан бу борада мутлақ нуқсонсиз иш юритишни тақозо этади.

Суд ҳукмлари, қарорлари ва раҳбарий кўрсатмалари вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг қонунийлик, инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари билан янада уйғунлаштиришга ишонанман.

Убайдулла МИНГБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди Раиси

ЕШЛАР ТАРБИЯСИ - УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Конун ва ёшлар

Ўзбек ёшлари хорижда

БАРЧАМИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ БИР



Мамлакатимизнинг иқтидорли ёшлари хорижий давлатларда таҳсил олибгина қолмай, дунё халқларига ўзларининг эркин фикрини очиб-ойдин баён этиб, уларнинг маданияти ва турмуш-тарзи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Яқинда Корея Республикасидаги "Жахон халқаро ёшлар оромгоҳи"да йигирмадан ортқ давлат ёш вакиллари ўз санъатларини намойиш этишди. Ушбу анжуманда бир гуруҳ иқтидорли, зукко ёшларимиз иштирок этиб қайтишди.

Феруза ҒАҒҒОРОВА — ТошМининг 2-курс талабаси.

— Мен тил ўрганишда ух-ламай тонг оттирган кунла-

римга ачинмайман. Тил ўрганишга бўлган иштиёқим сабабли Америкадаги Кока хайс коллнинг 12-синфини тамомлаб, билимимни бироз бўлса-да мустаҳкамлашга эришдим.

Энг қувонарли томони шундаки, қайтишимизга икки кун қолганида катта фестиваль ташкил этилиб, ҳар давлат вакиллари ўз маданияти ва санъатини намойиш этишди. Барча миллат вакиллари қатори биз ҳам Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда содир бўлган ўзгаришлар ва қисқа муддат мобайнида қўлга киритилган катта ютуқларимиз ҳақида ифтихор билан ҳикоя қилдик. Шаҳсан ўзим бу ҳақда ЮНЕСКО радиосига ҳам интервью бердим. Фестивалда миллий таомлар намойишида ўзбекча палов пиширдим. Ўзимизнинг миллий либосларда рақсга тушдим. Айниқса, хорижий тенгдошларимиз фестивалга қатнашган қизлар орасида энг чиройлиги ўзбек қизлари экан, дейишганда, жуда ҳам севиниб кетдим. Анжуман менинг юрагимда ўнмас из қолдирди.

Фахриддин ҚУРБОНОВ — ЖИДУнинг 4-курс талабаси.

— Мутахассислигим халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлгани учун

ийдирмадан ортқ давлат ёшлари билан бўлган мулоқот ва фикр алмашувлар мен учун катта сабоқ бўлди. Барчамаизнинг мақсадимиз тиңчилик, Ушбу шир остида Кореянинг фусункор кўчалари

бўйлаб "Дунё халқлари тиңчилик истади" мавзусида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бордик.

Дунё халқлари бир ҳаводан нафас олади. Барча-барчамиз мана шу мовий осмон остида, она замин бағрида бирдек ҳаёт кечирамиз. Тунларимизни нурафшон этиб турган ой ва юлдузлар ҳам, кўк юзида жилва қилиб турган ҳайбатли қуёш ҳам ўз нурларини барчамизга бирдек улашади.

Шундай иқтидорли, зукко, тиришқоқ, фидойи ёшлари бор юртинг истиқболи ҳам порлоқдир.

Сайфулла ТОҒАЕВ,
"Туркистон" муҳбири

Баҳористон туманидаги "Жайхун" фермер хўжалиги давлатга қирқ икки тонна пахта топшириб, вилоятдаги фермерлар орасида биринчилардан бўлиб режани бажарди.

Фермер Рўзи Ҳайдаровнинг айтишича; жорий йилда пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ташкил этилиб, теримчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилганлиги учун ҳам топшириқ кечиктирилмасдан бажарилган.

"Далаларимизда ҳосил мўл, режани икки баробар ошириб уддалаш

дир шивирлаб қолди: Президенти-мизга раҳмат! Ҳамма жойдаям оддий одамларнинг турмушини яхшилаш кераклиги ҳақида раҳбарларга гапирдилар... Аввалги замонда кунлик ҳақ у ёқда турсин, ойликларимизни ҳам ўз вақтида ололмасдик.

Р.Ҳайдаров билан кечгача суҳбатлашдик... — Болаларимни пешонаси

"ЖАЙХУН" БИРИНЧИ...

учун меҳнат қилишимиз- дейди чехрасидаги табассумини яширолмасдан Р.Ҳайдаров.

Кийфос очилган пахтазорни ай-ланиб, даладаги ҳосил анчагина тош босишига амин бўлдик.

Рўзи ака туш пайтида шийпонга йиғилган теримчиларга пул тарқатди. "Истиқлол шарофати билан дала бошида пахтакорларга кунлик ҳаққини тўлаямиз", - дейди пешона-насидаги терни артганча фермер. "Ишқилиб, бола-чакамиз пешонаси ёруғ экан". Кеча бировнинг оғзидан чиққан галга (нотўғри бўлсаям) хўп деб бош эгиб турар эдик. Бугун эса озодимиз, хурмиз... Ўзимиз маҳсулот этиштириб, завод- фабрикаларга ўзимиз сотамиз.

Биз баҳористонлик опаларимизнинг чехрасида шукроналик ҳиссини пай-қадик Кўпчиликиннинг орасидан ким-

ярқираган экан. Шу боисдан ҳам истиқлол инъоми сифатида ерга, элликдан ортқ қорамолга, икки юздан зиёд кўй-қўзига, иккита машина ва иккита тракторга эга бўлдим. Йилига ўртача беш миллион сўм даромад қилаяпман.

"Жайхун"нинг аъзолари Йўлдош Чўлиев, Иброҳим Сатторов, Бахмал Қорёғдиеваларнинг таъкидлашича, Р. Ҳайдаров бугунги кунда бир пайтлар ўзи саводини чиқарган Наистон қишлоғидаги Берди Кербобо номидаги мактабга ҳомийлик қилади. Яқинда мактаб ҳисоб рақамига ўқув адабиётлари учун юз минг пул ўтказди.

—Бу ташаббус тумандаги фермерлар орасида оммалашмоқда, - дейди Баҳористон тумани деҳқон ва фермерлар уюшмаси раҳбари Оғамамат Андаев.

Абдулла ЭШКУЛОВ,
Қашқадарё вилояти

СОЧИДА ГАРОВГА ОЛИШДИ

Сочидан 80 километр узоқликда жойлашган Лазаревск посёлкасидаги шахсий меҳмонхонани уч кишидан иборат номаълум кишилар гуруҳи гаровга олишган. Гаровда қолганларнинг сони етти нафар бўлиб, шу меҳ-

монхонада ишловчи украиналик ходимлар экан. Аввалга пул, сўнг Россия қамоқхоналаридаги чеченларнинг озодлигини, ҳатто шахсан президент билан юзма-юз учрашишни талаб қилган жиноятчи гуруҳларнинг шахслари аниқланганда, улар аслида наркотик таъсирида иш

қилишгани маълум бўлган. Шунга қарамасдан бу ерда террористик ташкилотларнинг таъсири борасида текширув ишлари олиб борилиши танабий.



ЎСМИР 300 МИНГ ДОЛЛАР ИШЛАДИ

Американинг Нью-Жерси штатида яшайдиган 15 ёшли ўсмир биржадаги «ўйинлари» натижасида ана шунча миқдордаги пулни

ишлаб олишга муваффақ бўлган. У биржада 12 ёшидаёқ фаолият бошлаган эди. Бошланғич маблағ сифатида эса унга туғилган кунда совга қилинган саккиз минг доллар асқотганди. Унинг мана бу ютуғи эса жуда ажабланарли. У аввалига кичик фирма-

Жиноят жазосиз қолмайди

Хаётнинг гўзаллиги-ю, тароватини аёлларсиз тасаввур этиш мушкул. Илож бўлса, уларни кафтимизда, бошимизда кўтариб юрсак деймиз. Гард кўндингиз келмайди, гулчехра...

"ОҚ ОҒУ" ОРТИДАН

ларга. Аммо, шу лобар вужудларни хибсхонада кўриш ниҳоятда оғир экан...

1972 йилда тутилган Умида Қўчқоровани (исми ўзгартirilган) ички ишлар ва боғхона тизими ходимлари Андархон қишлоғида тўхтатилади. Қўқон шахрига йўл олган Умиданинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Қўқондаги сумкадан аёллар ёмғирпўшига ўралган кукунсимон оқ рангли модда топилди. Суд-кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, 740 грамм оғирликдаги бу модда "героин" гиёҳвандлик моддаси бўлиб чиқди.

— Бу нарсани менга онам берди, — дейди Умида кўзёшларини кафти билан артаркан. Бешариқ шаҳридаги "Универмаг" ёнида кутиб турасан, ёнингга ўрта бўйли, оқ каткак костюм кийган, сочиди оқ бор йигит келади. У сени эгингидеги кийимингдан таниди, дедилар.

— У бунинг эвазига қанча пул бериши керак эди? — 25 минг сўм.

— Сиз осонлик билан пул топишни ният қилбисиз-у, бу иш билан қанчадан қанча фуқаролар бошига мисли кўрилмаган кулфат келтиришингиз умуминглигини ўйламабсиз-да?

— Бунинг героинлигини билмаган эдим...

Шоҳида Ҳамдамова (шартли равишда шундай аталаяпти) ўн беш ёшли ўғлининг оёқлари орасига сарик ва қизил рангли рўмол билан 645 грамм миқдордаги олим халтачага солинган героин гиёҳвандлик моддасини боғлаган. Ўз вақтида у милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Зоиржон САЙДАЛИЕВ, милиция капитани

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

— Усмон Юсуфов туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси икки юз олтимиш шохобчага эга, дейди раис Хонали Ҳайдаров.

— Жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига ўттиз миллион юз эллик минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Тўрт йил аввал шохобчаларимиз сони юзтадан ошмаганди. Йиллар ўтди... Ходимларимиз одамларга тадбиркорлик, ташаббускорликда ўрнак бўлди-ю, уюшмамиз сафи кенгайди, иқтисодий салоҳиятимиз ошди.

Аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тикувчилик, сураткашлик, сартарошлик, радио-телефониз тўзатиш устаноналари, вулканизация, қишлоқ-хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш шохобчаларимизни ўтган даврда бир нечтага кўпайтирдик.

— Қайси қишлоқларда аҳоли гавжум яшайди ва уларнинг эҳтиёжини маиший хизмат шохобчалари қай даражада қондириляпти?


Миришор, Жейнов, Айзабот қишлоқларининг ҳар бирида ўн мингдан ортик аҳоли истиқомат қилади. Ва уларнинг маиший хизматга бўлган эҳтиёжи ҳам катта... Ана шуларни ҳисобга олиб, замон талабидан келиб чиққан ҳолда янги-янги шохобчалар очялгимиз. Бундан ташқари одамларни янги иш ўринларига жойлаштириш бўйича

ҳам уюшмамиз меҳнат биржаси билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиб, уни амалга оширмақда. Яқинда эллик нафар кишини ишга жойлаштирдик. Ҳозирда Миришор қишлоғида эллик ўринли маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга тушириш арафасидамиз. Ундан энгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тикувчилик, сартарошлик ва сураткашлик шохобчалари ўрин олган.

Ходимлар Сирож Ҳудойбердиев, Носир Исмоилов, Сайёра Сувоқуллова, Ҳайридин Файзуллаев, Рўзигул Умароваларнинг таъкидлашича, қорхона раҳбарининг ташаббускорлиги боис қарздан қутилди ва ҳозирда йил фойда билан яқунланмоқда. Иккинчидан, Х.Ҳайдаров даврида бир қанча янги шохобчалар ташкил этилди ва уларнинг хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Бундан ташқари, уюшмада ишлаётган тўрт юз нафардан ортик тадбиркорнинг ижтимоий муҳофазаси яхшиланган.



Файзулла ЭШКУЛОВ



Ёки Жарқўрғон туман давлат солиқ инспекцияси мисолида амалга ошириляётган ибратли ишлар ҳақида сўз

Улуғлардан бири: "Қарздор бўлдингми, уни нима қилиб бўлса ҳам уз!" деган экан. Солиқ хизмати ходимлари кундлик фаолиятларида ана шу тамойилга суянган ҳолда фаолият юритмоқдалар.

Бунга мисол кўп. Масалан, Жарқўрғон туманида иқтисодий аҳоли анча яхши бўлганлар ҳам давлат бюджети-

да солиқ тўлашдан бўйин товловчилар ҳам топилди.

Участка солиқ нозирлари Ж.Қултоев, Д.Пардаев ва Ж.Хуррамовлар 114 нафар якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқарони текширдилар. Уларнинг 69 нафари қонуни бузаятганлиги аниқланди. Ашаддий қонун бузувчилардан 7 нафарининг иши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оширилди. Қолганларига ярим миллион сўм миқдорда жарима қўлланилди. Йил бошидан буён ҳаммаси бўлиб 723 нафар якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ҳисобга олинди ва улардан 28,9 сўмга яқин солиқ ундирилди.

Текширишлар якуни бўйича солиқчилар-икки нафар масъул ходим устидан жиноий иш кўзгадиқлар, 2 нафарининг иши ўрганиляпти, 38 нафарига эса 432 минг сўм жарима қўлла-

СОЛИҚ ТЎЛЛОВИ

га тўланиши лозим бўлган маблағни ўтказмай келганлар. Текширишлар жараёнида 76 та ана шундай бўлинма аниқланиб, уларга оғохлантириш хати йўлланди. Натижада, улардан 31 таси 334 миллион сўм миқдордаги ойлик қарзларини узди. 16 та қорхона ва ташкилот эса вақтида қарзларини узишмагани учун хўжалик судига берилди ва улардан мажбурий тартибда 304 миллион сўм ундириб олинди. 5 тасининг мол-мулки биржа орқали "кимошди" савдосига қўйилди. Улардан эса 3,4 миллион сўм ундирилди.

Маълум бўлишича, текширилган 140 та ҳуқуқий шахсдан 93 таси солиқ қонуқчилиги бузилишига йўл қўйган экан. Қондани бузган 64 ташкилотдан иккитасининг ўзидангина 15,2 миллион сўм яширилган маблағ чиқиб қолди. Уларга қўшимча солиқ белгиланди, 6,2 миллион сўмлик жарима қўлланилди. Бундан ташқари, 5 та қорхона ва ташкилотнинг ўн нафар масъул шахси ва жиддий қонун бузилишларига йўл қўйган 163 нафар жисмоний шахс билан аниқлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кейингилар деярли 1,3 миллион сўмлик жаримага тортилдилар.

Хўш, "Жарқўрғонқурилиш" хиссадорлик жамияти раҳбарияти 1 миллион 925 сўм фойдани яшириб қолиб, ундан солиқ тўламаганини қандай баҳолаш мумкин?

Сурхондарё вилоят солиқ бошқармаси тизимидаги энг яхши бўлинмалардан бири ҳисобланган Жарқўрғон туман солиқ инспекциясини Баҳодир Шойқулов бошқариб келяпти. У солиқ хизмати II даражали маслаҳатчиси.

Саноат ва иқтисоди анча ривожланган, солиқ тўловлари учун пойдевор мустаҳкам бўлган Жарқўрғон тумани-

нилди. Туман солиқчилари томонидан ана шундай "оғохлантирилган" қонунбузарлар кейинги марта қонун бузиш қандай оқибатларга олиб бориши мумкинлиги, хусусида дурустроқ ўйлаб кўрсалар ажаб эмас.

Жарқўрғон тумани солиқ инспекцияси жамоаси кундалик ишининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, тадбиркорлик фаолияти туфайли тушган кундалик нақд пуллар, қондага мувофиқ, банк муассасаларига топширилмоқда. Бу борада ишларига топширилмоқда учун январь-август ойлари мобайнида текшириш ўтказилиб, хато-қачиликлар ва қонда бузишлар аниқланиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Масалан, "Турон" хиссадорлик жамиятига қарашли 14-дўкон сотувчиси М.Раҳмонова касса аппарати бўлишига қарамасдан миқозлар билан ҳисоб-китоб қилишда ундан фойдаланмаслигини маъқул кўрган.

Шу ва шунга ўхшаган камчилик-нуқсонларга йўл қўйган "Сурхон", "Минор" хиссадорлик жамияти, "Умид" фирмасига қарашли станцияси, "Азиза" фирмаси ходимларидан бир қанчаси устидан жиноий иш кўзгадиқди. Хатто, айримлари шартли ҳукм қилиниб, савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шуни таъкидлаш лозимки, масъулиятсиз, ўз манфаатинингга ўйлайдиган баъзи шахсларнинг бундай хатти-ҳаракатлари бутун жамоанинг обрўсига зиён етказибгина қолмай, моддий зарар ҳам келтирди, жарималар солинишига сабаб бўлди...

Нозим СУЛАЙМОНОВ, Абдураҳул ЖУМАҚУЛОВ, Сурхондарё вилояти

ҚУДРАТЛИ МАНБА

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

Ватанпарварлик, халқпарварлик, эзгу мақсадлар йўлида фидойилик ва жасурлик умуммиллий хусусиятга айланганда халқимиз руҳиятида сифат ўзгариши юз беради, у кўп миллионли, пароканда оломон эмас, метин эътиқодли, уюшган куч - халқ сифатида шаклланади, Ватанининг, миллий ғоясининг, ўз ҳақхуққининг, адолатнинг жасоратли ҳимоячисига айланади.

Сифат ўзгариши ҳеч қачон ўз-ўзидан юз беради. Бу мақсадга маърифат йўли билан эришилади.

Халқимизнинг улғу мутафаккирларининг бебаҳо мероси, ислом динидаги инсонпарварлик фалсафасини ўзида мужассам этган Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Наҳшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари ва Наҳшбандий ҳикматлари, Амир Темури бобомизнинг "Тузуклари", Алишер Навоий ва Бобур ҳазратларининг шох асарларини чуқур ўрганиш, ондан қонга сингдириш орқали кўнглилар жаҳолатнинг чанг-ғуборларидан, зангла-ридан халос этилади. Шундагина ҳар бир фуқаронинг қалби миллатининг қалбини ўзида акс эттирадиган ёрқин Кўзгуга айланади.

Маънавий қудратли инсоннинг онги ва шуурида эса фаол фуқаролик муносабати ривожланади ва қарор топади.

Фаол фуқаролик муносабати ўзида қандай тушунчаларни қамраб олади?

Миллий гурури ва ифтихор туйғуси билан қувватланган ҳар бир шахсда ор-номус ҳисси ниҳоятда кучли бўлади. У ўзининг қадри - қимматини яхши билади ва ҳеч қачон ерга урмасликка ҳаракат қилади.

Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва қонунларини чуқур ўрганиши, ўзининг ҳимоячиси деб ҳис этиши ва уларда белгилаб берилган ўзининг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчини чуқур англаган ҳолда яшаши лозим.

Қонунларнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик туйғуларини билан сугорилган ҳаётбахш қудратини теран ҳис қилган фуқаро ижтимоий адолат мезонларининг ҳар қандай шаклдаги бузилишига, ўтмишдан мерос иллатлар - порахўрлик, ошно-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, мансабпарастлик, ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва қонунбузарликнинг барча кўринишларига муросасиз бўлади. Бу иллатларнинг ҳар бир кўринишини жамият ҳаётига ва мамлакат тараққиётига ашаддий душман деб билади, унга қарши курашади ва бошқаларнинг ҳам лоқайд, бепарво бўлмаслигини талаб этади.

Худди шу заминда у қудратли инсоннинг мутаассиблиги ва ақидапарастлигининг барча кўринишларига, юртининг, ватандошларининг орзуси шукки, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Ватанда ҳам, хоризжда ҳам ўзбекистонлик, ўзбек халқининг фарзанди, унинг гурури ва ҳимоячиси бўлиб қолсин.

Хориз сафарига йўл олган юртдошимиз қалбига Ўзбекистоннинг меҳр-муҳаббатини, ўзбек халқининг гурурини олиб кетсин, хоризждан бу туйғуларининг оҳорини тўқмасдан, дунёвий мазмун билан бойитиб, ҳам моддий, ҳам маънавий бой бўлиб қайтсин.

Мақсад шукки, Ватан тупроғида унган, ҳавосидан баҳра олган ҳар бир фуқаро ҳар қандай қийин аҳволда ҳам четдан келган "жонқуярлар"нинг асал шаклидаги захарли гоғларига алданмасин, ўчмасин, халқининг манфаатини ўзининг манфаатидан доимо устун қўйсин ва шу йўлда курашини ўзининг Аллоҳ олдидаги, Ватан олдидаги, Халқ олдидаги энг муқаддас бурчи деб билсин.

Мана шу олийжаноб туйғу, эзгу мақсад ҳар биримизнинг томиримизда қон бўлиб оқа бошласа, Ўзбекистонимизнинг жамоли ва камоли мукамал бўлади. Озодлик Ободликка, Эркинлик Фаровонликка, Фаровонлик эса Бахт - саодатга айланади.

Маънавият — миллат кифёси

тувчи ватанпарварга айлантириш дўркор.

Мана шу тарзда у миллатининг фарзанди бўлиш билан бир пайтда дунё фуқаросига айлана боради.

Миллий мафкура ўзи олдида миллий ва дунёвий тафаккурни уйғунлаштиришни мақсад қилиб қўйилса, яна хур фикрнинг кишинига, халқининг тараққиётини чеклаб қўювчи тилсизка айланади.

Миллий ва дунёвий тафаккурни уйғунлаштириш тушунчаси қандай вазифаларни қамраб олади?

Маълумки, халқимиз ўзининг олдида жаҳон андозларига асосланган демократик жамият қуришни, мамлакатимизни дунё синовларидан ўтган бозор иқтисодиёти асосида қудратли диёрга айлантиришни ўзининг энг буюк мақсади этиб белгиланган.

Аммо, бу улғувор вазифани амалга ошириш соҳа-сида тажрибамиз ҳам, билимимиз ҳам камлигини яхши биламиз. Мана шу кемтиқни тўлдирши йўлида амалга оширилиши лозим бўлган кўпгина тадбирлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани беҳиз эмас.

Миллий мафкура жамиятимизда юз бераётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий ислохларнинг моҳиятини халқнинг онгига сингдириш йўлида хизмат қилишни / ҳукмронлик этишни эмас/ зиммасига олар экан, миллий ўзгичани таниш орқали юксалиш йўлини бо-сиб ўтган пешқадам давлатларнинг ибратли тажрибасини, жаҳон фани ва маданияти эришяётган ютуқларни, уларнинг истиқболда тутган ўрнини таҳлил этиш ва халқимизга тақдим этишнинг энг таъсирчан ва илҳомбахш механизмига айланиши лозим.

"Дунё биз билан, биз дунё билан" ғояси мамлакатимиз дарвозаларини эмас, жамиятимиз аъзоларининг онги ва кўнглини ҳам инсоният яратяётган жамики кашфиётларга очиши, улардан баҳраманд этиш орқали дунёвий кашфиётлар яратишга рағбатлантириши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятимиз аъзолари мана шу руҳда ва йўналишда тарбияланса, миллий ғоя қони ва жонига сингса, мамлакат Истиқлоли туфайли қонун билан қафолатланган ҳолда берилган эркинликлар соф маънодаги ҳур фикрли Шахсини камол топтиришга хизмат этади.

Акс ҳолда - давлат ва жамият берган, аммо фуқаро томонидан теран ҳис этилмаган эркинлик яна янги бир кулликнинг - ёт ақиданинг, мафкуранинг қулига айлантириб қўяди.

Юртбошимизнинг қўзлаган мақсади, халқимизнинг орзуси шукки, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Ватанда ҳам, хоризжда ҳам ўзбекистонлик, ўзбек халқининг фарзанди, унинг гурури ва ҳимоячиси бўлиб қолсин.

Хориз сафарига йўл олган юртдошимиз қалбига Ўзбекистоннинг меҳр-муҳаббатини, ўзбек халқининг гурурини олиб кетсин, хоризждан бу туйғуларининг оҳорини тўқмасдан, дунёвий мазмун билан бойитиб, ҳам моддий, ҳам маънавий бой бўлиб қайтсин.

Мақсад шукки, Ватан тупроғида унган, ҳавосидан баҳра олган ҳар бир фуқаро ҳар қандай қийин аҳволда ҳам четдан келган "жонқуярлар"нинг асал шаклидаги захарли гоғларига алданмасин, ўчмасин, халқининг манфаатини ўзининг манфаатидан доимо устун қўйсин ва шу йўлда курашини ўзининг Аллоҳ олдидаги, Ватан олдидаги, Халқ олдидаги энг муқаддас бурчи деб билсин.

Мана шу олийжаноб туйғу, эзгу мақсад ҳар биримизнинг томиримизда қон бўлиб оқа бошласа, Ўзбекистонимизнинг жамоли ва камоли мукамал бўлади. Озодлик Ободликка, Эркинлик Фаровонликка, Фаровонлик эса Бахт - саодатга айланади.

Бахтиёр РИЗО

«КУРСК» ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТ

«Vesti.Ru» газетаси Россия атом қомасининг ҳалокати ҳақида янги маълумот тарқатди. Унда айтилишича, кема ўзининг сўнги ўқув машғулотида қўрқинчли авария Арктикада кўриқчилик қилган пайтидаги қурол-аслаҳалари билан чиққан

экан. Кема ҳалокатига эса мавжуд жанговор торпедолардан бири зарарсизлантиришга ури-нишининг муваффақиятсиз яқунлангани сабаб бўлган. Чунки, анчагина чуқурда ҳаракат қилаётган кемада бу ишни амалга ошириш ўзига хос қийинчиликлар туғди-риши табиий. Бу эса торпедонинг портлаб кетишига сабаб бўлган,



дейди давом этиб газета. Шунингдек, мақолада бу хулосани асословчи бошқа далиллар ҳам келтирилган.

нафар оғир атлетикачиларнинг қонидан диуретика допингги топилди. Алам қиладиган томони, улардан бири 48 килограмм вазнда олтин медални қўлга киритган Изабелла Драгнева бўлса, иккинчиси 56 килограмм вазн тоифа-сига бронза соҳиби бўлиб улғу-ридан Севдали Ангелов эди. Бундан икки кун олдин мамлакатнинг

бошқа бир спортчиси, Иван Ивановнинг ҳам худди шундай но-пунинг ишга қўл ургани маъ-лум бўлган эди. Буни ҳисобга олган ХОҚ Болгариянинг барча оғир атлетикачиларини олимпиада уйинларидан четлатишга қарор қилди.

ОЛИМПИАДАДАН ҚУВИЛДИЛАР

Ўтган кун Болгариялик икки

Туркистон КАХВАХОНАСИ

“СЕТОРА”ДА ЎЗГАРИШ



Гуруҳ аъзоси Феруза турмушга чиқди

Уч атиргул... Ок, қизил, сариқ гул... Бир-биридан чиройли гуллар... Яқиндагина “Нихол” мукофотида сазовор бўлган, “Оҳим”, “Аждодлар ёди”, “Сен борсан” каби кўшиқлари билан кўшиқсевар ёшларни ўзига ром этган “Сетора” қизларининг ҳаётида ўзгариш бўлди.

Феруза, Камола, Лайло... Бу гўзал, мағрур қизларнинг шайдолари кўп. Мамлакатимиздаги қай овоз ёзиш студиясига борманг, “Сетора” куйлайди...

Жаранглайди кулгуларинг, Нигоҳларинг кўз ўнгимда. Сенинг руҳинг яшар мангу,

Барибир, мен учун борсан!

Бундай кўшиқларни эшитган ҳар бир ёш қалбида ватанпарварлик ҳисси жўш уради. Яхши кўшиқ юракни ларзага солади, деганлари шу бўлса керак.

Айни пайтда “Сетора” гуруҳи Самарқандда меҳмон. Чунки гўзал қизлардан бири Феруза Самарқандга келин бўлди. Бутун бир мамлакатнинг йигитлари ҳавас билан қараётган малика қизнинг юрагини ром этган йигит ким экан-а? Унинг нима фазилати бор экан?

Мухлисларни бир нарса ташвишлантирмоқда: “Сетора” “Дутора”га айланаб қолмасмикан? “Сетора”нинг кейинги ижодий фаолияти ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида ўқийсиз.

Зиёда АШУРОВА, “Туркистон” мухбири

ДИЛ СОҲИБИМ, ЁНИМДА БЎЛГИН

Хушовоз хонанда Раёно Бўронова билан суҳбат

Раёно Бўронова Наманган вилоятининг Поп шаҳрида ёш юлдуз буржи остида туғилган. Севимли машғулоти гул ўстириш. Доимо жозибали, ораста юришга интилади.

— Санъат яхшилик йўлида хизмат қилади, дейишади. Сизнингча, санъатнинг эзгулик йўлидаги вази-фаси нималардан иборат?

— Санъат эзгулик учун хизмат қилади. Ҳақиқий хонанда халқ дилига нафақат куй-кўшиги, ширали овози, балки маданияти билан ҳам йўл топтоғи лозим. Битта муҳлис кўнглига кириб боришнинг ўзи ҳам шу халқ бағрида эзгулик уруғининг экилиши деб биламан.

— Илк муҳлисларингиз бундан йигирма йиллар олдин сизни “Дуторчи қизлар” дастасида куйлаган дилбар кўшиқларнинг орқали севиб қолишган. “Дуторчи қизлар” даги фаолиятингиз ҳақида тўхталсангиз?

— 1980 йилдан “Дуторчи қизлар” дастасида ишлаб бораётимиз. Жамоамизни ўзаро аҳил, иноқ, ҳамнафас ёшлар ташкил этарди. Замира Суёнова, Мунаввар, Курсия, Хурмат, Марҳабо, Роза, Замиралар билан ўтказган оташин ёшлик йиллари умр йўлларимдаги ёрқин хотираларга айланаб қолган. “Дуторчи қизлар”ни ҳамisha қадрлайман.

— Сиз ардоқлайдиган туйғу? — Мен муҳаббатдек нафис, покиза туйғуни эъзозлайман. Бу туйғунинг ҳис этган кишига уни қадрига етади. Севилиш ва севиш бахтига ҳамма ҳам муяссар бўлолмайди.

— Янги аср санъати ва санъаткорларнинг ўтган аср санъат аҳлидан фарқи нимада деб ўйлайсиз?

— Икки давр санъати, санъат аҳли ўртасидаги тафовут бир мунча сезиларли даражададек. Бугуннинг баъзи ёшларида бир қадар манмансираш, калондимогликнинг кучайиши янги аср маданиятига таъсир қилиши мумкинлиги кўриниб туради. Халққа маданият улашувчи санъат аҳли ўртасида яқинлик каби нозик ришталар узилаётгани керак. Халқ бошига тушган мусибатли кунларда қалбдан бир тану бир жон бўлиб иҳод қилган устозларимиз Тамираҳоним, Комуна Исмоилова, Мукаррама Турғунбоева, Гав-



хар Рахимоваларнинг бирдамлигига ҳавас қиламан.

— Бугун қандай ижодий режалар устида ишламоқдасиз?

— Санъат йўлини танлаган ҳар бир хонанда доимий изланиши керак бўлади. Ҳозир таниқли бастакор Алишер Расулов билан ҳамкорликда янги кўшиқлар устида ишлаяпмиз. Яқин кунларда “Соҳибим” номли янги аудио альбомим чиқиш арафасида турибди. Яратган кўшиқларимга клиплар яратиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Турмуш ўртоғим Раҳимжон ака билан Нилуфархон ва Суҳробжон исми фарзандларни воёга етказяпмиз. Фарзандларим ҳам санъатга қизиқишади. Қизим ҳуқуқшунослик коллежида ўқиса-да, кўшиқ айтишга иштиёқи баланд.

— Тилақларингиз?

— Ҳар бир қалб эгасининг соҳибу соҳибалари ёиларида бўлсин. Муқаддас Ватанимизга содиқ фарзандлар бўлайлик!

Шоира Ҳасан қизи суҳбатлашди

Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникуми томонидан Сарвинос Баҳодирова Артикаева номига 2000 йил май ойида техникуми тугатганлик ҳақида берилган №413837 рақамли диплом йўқолганлиги тўғрисида бекор қилинади.

“Чимилдиқ” сўзи тилга олinsa, вужуд энтикмайдиган бормикан?

Ифори хидлар анқиган, турли доривор гиёҳларнинг чўгда асангаланган дуди бир умр димоққа уриб қолади. Куёв билан келиннинг висолига тўйган туйғулари, момоларнинг уларни кўриқлаб ўтирганлари яна қанч-қанча ҳаяжонли гапларни айтиш мумкин.

Удумларимизга кўра келин-куёв чимилдиқда топишади. Масалага чуқурроқ ёндашиладиган бўлса, чимилдиқ фақат икки ёшнинг топишадиган жойи эмас, халқимизнинг мажозий беланчаги ҳам ҳисобланади. Авлоддан авлодга ўтиб келган, келажак наслларга алоқадор туйғулар тантанасидир. Соғлом авлод йили масъулияти Баҳмал туманидаги Абдувоёид Усанов номли хўжалик худуди шифохонаси катта табиби Мамасобир Муродовни ҳам жиддий ҳаёлга чўлдирди.

— Биз тоғликларда чимилдиқка катта масъулият билан қарашибди. Чимилдиқда бахтли ҳаёт бошланиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун то чимилдиқка киргунча икки

БИЛАВИЙ БАХТ ЧИМИЛДИҚ ДАН БОШЛАНАДИ

ёш бир-бирларини синаши, кўнгли кўйиши керак. Фақатгина чимилдиқда танишган, илгари бир-бирини синамаган ёшларнинг ҳаёти шифокор сифатида айтаман, сирли бўлиб қолади. Иккала ёш бу ерга келгунча жинсий тарбия сабоқларини олиши, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд широнинг маъносини тушунишлари керак. Ҳар хижатдан соғлом бўлишни истаган ёш ўзини Ҳар хил зарарлари одатлардан тийиши керак. Жинсий ҳаёт фақат айши-ишратдан иборат эмас, балки ҳаёт, жамият, табиат олдида жавобгарликдан иборатдир. Чимилдиқ нақадар муқаддас, боқира, қад жой. Бекорга бу ерни чилла қилиб, исириклар тутади, табаррук момолари



миз келин билан куёвни “кўриқлаб” ўтирмас эканда! Йўқ, чимилдиқда бўладиган ҳолатларни сўз билан ифодалаб бериш қийин. — Чимилдиққа соғлом бўлиб киришни ҳар бир қиз ёшлигидан орзу қилиши, интилиши керак.

Минг афсуски, бизнинг қишлоқларимиздаги аксарият қизлар камқонлик ва турли касалликларга ча-линганди. Улар ўзларини даволатишни ўйламайдилар. Йўл ёқаларида, бозорларда арзимас маҳсулот сотиб, куни билан овқат емайдиган қизларни кўп кўраман. Уларнинг кўпчилиги 17-18 га кирган, мустақил ҳаёт қуришга тайёр эмас. Шуларни ўйласам, ҳафа бўламан. Узиға, кела-

жагига шунчалар бефарқ қарайдими?! Аёллар ўзларини авайлашлари, ҳаётнинг давомийлиги уларнинг зиммасида эканлигини унутмасликлари керак. Биз катталар ҳам турмуш қурадиган қизларга гамхўрлик қилишимиз зарур.

Фаллаорол туман марказий касалхонаси Сарбозор шифохонаси вазири Дилбар Маҳмудованинг юқорида айтиб ўтган фикрлари кишини ўйлантириб қўяди. Шу дамда “Баҳмал” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ирисбой Соиповнинг сўзлари эсимга тушди. “Шу ҳудудда қон-қариндош бўлганлар никоҳни қайд қилиш идораларида рўйхатдан ўтказилмайди. Бу ибратли тадбир. Шифокорлар қайта-қайта таъкидлайди, қон-қариндошлик

асосида ташкил топган оилаларда наслий нуқсонлар бўлади, соғлом авлод юзага келмайди. Бундан жамият ҳам, оила ҳам завол топади. Чимилдиққа кирадиган ёшлар масаланинг шу томонларига эътибор берсалар масалага онгли ёндашган бўладилар. Қай-фу сафо деб, айшу ишрат деб бир умр азоб чекишнинг кимга кераги бор?

Савол туғилади, нега ёшлар болалигидан соғлом бўлишга, спорт билан шуғуланишга ҳаракат қилишмайди ёки жойларда бунга имконият йўқми?”

Келин-куёв келажак турмушлари ҳақида ўзлари бош қотиришлари кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

КАМАЛАК МАНГУ КЎРАЙ КАМОЛИНГ, ЮРТИМ

ҲАЙРОН ҲОЛДУЗЛАР

Буюк Темур руҳи кезади, Пок руҳини қалбим сезади. Фақат ўтмиш дарди эзади, Ёғийлардан кўнгли безади.

Юрагимга ўқ тегди бир дам, Қай юрт узра қуйилди мотам. Дунёи-дун аслида бир кам, Емоқларнинг дастидан ҳар дам.

Аммо руҳи синмаган эл бу, Боботоғдай мустаҳкам бел бу. Ҳовим қулин совирган ел бу, Ғов бўлганини йиқитган сел бу.

Навоийнинг руҳидир гирён, Бобурушхоннинг диллари вайрон. Улуғбекнинг юлдузи ҳайрон, Гўё қалби мажруҳ бир жайрон.

ҚҲҲМДҲК МҲК ҚҲҲҲТМ БҲМҲ

Гул поёндоқ дўстлар йўлига, Қулни бердим дўстлар қўлига. Анҳор қазиб сувлар оқиздим, Она юртим яйдоқ чўлига.

Муродларим зиёда бўлди, Орзу-ҳавас жомлари тўлди. Истиклолим шарофати-ла, Бахт куёши бошимда қулди.

Мудом мағрур ўзбегим боши, Тоғдай метин тамалнинг тоши. Келажакнинг йўли ёритар, Мангу порлаб Турон куёши.

Тоғ бағрида юраман гоҳ-гоҳ, Илҳом олиб тураман гоҳ-гоҳ. Ҳаёт уммонига фарқ бўлиб, Ширин ҳаёл сураман гоҳ-гоҳ.

Зарра тош ҳам менинг жонимдир, Бир қатра сув менинг қонимдир. Лочин бўлиб парвоз айладим, Чаманзору чўллар шонимдир.

АХДҲМҲЗ

Эшик қоқар янги асримиз, Буй чўмоқда буюк қасримиз. Остонаси тиллодан бўлиб, Гултож кийди олтин насримиз.

Туронимда яшар асллар, Темурбекдек улуғ насллар. Жаҳон сенга талпинар, ўлкам, Тўрт малакка қиёс фасллар.

Кўкни қучар чинор азимиз, Булбулдай шўх наво-назимиз. Шoirларнинг қалами қўлда, Юртни қуйлаш буюк азимиз.

Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани

ЁШЛИК ФАСЛИ


дин бекати, сувратлар инсон юрагининг, умрининг парчалари... Ма ш ҳ у р шахсларнинг ҳаёти, ёшлиги, бугун умри доимо қизқарли туюлади. Айниқса, уларнинг ёшлик фасли барча учун тилсим. Бизнинг ёшлар газетаси Сиз учун ушбу тилсимни очишни мақсад қилиб қўйди. Ўйлай-мизки, қадрдон, азиз одамларнинг сиймоси Сизни бефарқ қолдирмайди.

Сиз қайси машҳур кишиларни “ёшлигига қайтаришимиз”ни, яъни ёшлик сувратларини бериб боришимизни истайсиз? Бизга боғланг!



Ўзбекистон Халқ шоири Ҳалима Худойбердиева (1974 йил)

Б О Ш Қ О Т И Р М А



ЭНИГА: 1. Наврўз таоми. 2. Эстрада гуруҳи. 3. Ҳарбий хизматдаги йигит. 8. Санъаткорнинг иш жойи. 9. Миллий либос. 11. Билимлар тилсими. 12. Дастурхон кўрки бўлиш данак тури. 13. Қимматбахо тош. 14. Қўзланган нуқта. 15. Эҳроннинг бахти. 17. Юз йиллик. 18. Қаттиқ металл тури. 24. Учил боланинг исми. 25. Испаниядаги қичқ шаҳар. 27. Мева-сиз дарҳат. 28. Нота боши. 29. Қумушнинг хуснига чирой қўшган... 30. Одам организмда учрайдиган суяклик. 31. Нота...

БҲЙИГА: 4. Ўзбек санъатини дунёга танитган эстрада хонандасининг фамилияси. 5. Ўзбекистон Халқ артисти Шерали Жўраевнинг кўшиқларидан бири. 6. Ўзбекистон Халқ артисти Юлдаз Усмоновнинг кўшиқларидан бири. 7. “Она замин” мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ажаойиб сўз устасининг фамилияси. 10. Мустақил, хур ўлка. 16. Алла айтиб ўзбек халқига танилган хонанда. 19. Тошкентдаги маҳалла. 20. Футбол жамоаси. 21. Қарзга ботган қорхона аҳволи. 22. Бож оладиган идора. 23. “Пахтакор”да тўп сурган футболчи. 24. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиль тури. 26. Жангвор машина.

Тузувчи: Саидқабар МАННОНОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 6 сентябрь сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

БҲЙИГА: 1. Имон. 2. Нева. 3. Омил. 4. Асаб. 5. Бика. 6. Анон. 7. Гушт. 8. Ном. 9. Анон. 10. Анон. 11. Шол. 12. Милк. 13. Само. 14. Асал. 15. Асад. 16. Марс. 17. Куба. 18. Кана. 19. Олма. 20. Аҳам. 21. “Нота”. 22. Кама. 25. Март. 26. Лион. 27. Кино. 28. Алиф. 29. Чита. 30. Нина. 31. Арра. 32. Чана. 33. Алла. 34. Нота. 35. “Анон”. 36. Сега. 37. Биби. 38. Торф. 39. Бола. 40. Бола. 41. Ринг. 42. Ромб. 43. Тахт. 44. Сарф. 45. Офат.

Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет) томонидан Абдуллаева Дилором Инотуллоева номига 1976 йил берилган №889008 рақамли диплом йўқолганлиги боис бекор қилинади.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими томонидан Соатов Ботир Собировичга 1997 йилда берилган паспорт йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.